



«Юсуф ва Зулайхо» достони муаллифи хусусида олимларимиз ўртасида турли хил фикрлар мавжуд. Бизгача етиб келган ўзбекча ушбу асар «Хазрати Яъқуб ва Юсуфнинг дуоси бирла Юсуф огалари гуноҳини тенгри таоло афв қилгани» боби билан тугалланади. Шу охириги қисм муаллиф томонидан ёзиб улгурилмаганми ёки уни кўчирган қотиб тушириб қолдирганми — ҳозирча аниқ эмас.

Алишер Навоий ўзининг «Тарихи ҳукамо ва анбиё» асарида Юсуф қиссасини қуйидагича ифода этади: «Юсуф алайхи-с-салом қиссаси андин машхурроқдурким, ихтиёж анинг тафсилина бўлгай, невчунки гаробати ва ширинлиги била кўп ақобир ҳам назм ҳам наср анинг шарҳ асбобин тузубтурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузуптурлар. Ул жумладан бири Фирдавсий Тусий ва яна бири хазрат Махдуми Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий маддазаллаҳулолийким Юсуф алайхи-с-саломнинг хусни ва жамоли таърифдин мустағнийдур. Анинг даги фазл ва қамолига васф ҳожат эмас. Яна Хожа Масъуд Ирокий ҳам назм қилибтур ва балогатнинг додин берибтур. Яна даги азизлар машгуллуқ қилибтурлар. Бовужуди булар бу бевизоат ҳамки иборати роҳимдиндур. Хомаи фотир хотирга бу орзуни кечурурким, иншооллох, умр омон берса, турк тили била ўқ қофири қавн варақ узра хомаин мушкин шамогани сургай, бу қисса назмин ибтидо қилиб, интиҳосига етқургай. Шеър;

Ҳақ бу тавфиқни насиб этгай, ё насиб улча тенгридин етгай»

Юқорида келтирилган маълумотлардан аёнки, Навоий ўзини Фирдавсий Тусий, Абдурахмон Жомий ва Хожа Масъуд Ирокий қаторида шу қиссанинг роқимларидан бири

хисоблайди ҳамда халигача турк алфозида ҳеч ким баён этмаганини таъкидлаб, умр омон берса, бу тилда яратиб, итмомига, интикосига етказишни режалаштириб кўяди. Аммо шоирнинг бу олижаноб режалари амалга ошганми ёки режалигича қолиб кетганми — кўпчилик олимларимизга аниқ эмас. Агар «Тарихи ҳукамо ва анбиё» асари 1480—1490 йиллар орасида яратилгани ва у бундан кейин ҳам қарийиб 20 йил мобайнида ижод билан шугулланганини эътиборга олсак, шоир ўз орзусини рўёбга чиқарган бўлиши эҳтимоли юзага келади.

Айни пайтда туркий тилда яратилган «Юсуф ва Зулайхо» достонининг жуда кўп нусхалари мамлакатимиз кўлёзма фондларида, чет эл кутубхоналарида, шунингдек, бир қатор кишилар кўлида сақланмоқда.

Зотан, мазкур кўлёзма нусхаларнинг бирортаси ҳам Навоий яшаган даврдан олдин эмас, балки XVI ва ундан кейинги асрларда кўчирилгандир. Уларнинг энг қадимийси Туркиядаги Тўпқопи сарой кутубхонасида сақланаётган 832-рақамли кўлёзма саналиб, у 1516 йилда Хирот шаҳрида, Париж миллий кутубхонасидаги нусха эса 1563 йилда кўчирилган.

Шу чоккача Дурбекка нисбат берилиб келаётган «Юсуф ва Зулайхо» достонининг муаллифи кўпчилик адабиётшуносларимизнинг баҳсу мунозараларига сабаб бўлмоқда. Баъзилар Дурбек — Мирзо Улугбекнинг адабий таҳаллуси деса, бошқа бирлари «Юсуф ва Зулайхо» достонини Хомидий Балхий, гоҳида Сайфий, гоҳ Ахмадий қаламига мансуб, деб кўрсатишмоқда. Афсуски, бу фикрлар ишончли эмас. Пировардида: ўзбекча «Юсуф ва Зулайхо» достонини ким ёзган? — деган савол тугилади.

Профессор Б. Валихўжаевнинг «Ўзбек адабиётида эпик поэзия тараккиёти тарихидан» деб номланган тадқиқотида «Дурбек» таҳаллуси билан ижод этган шоирнинг ўтганига шубҳа билдирилади, унинг таъкидлашича, ЎзФА Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланаётган мазкур асарнинг қадимий кўлёзма нусхаларида Дурбек номи учрамайди. Бу ҳол СамДУ илмий кутубхонасида сақланаётган 212830 рақамли нусхада ҳам такрорланган бўлиб, бундан ташқари асарнинг муқаддимасида келтирилган тарих:

Зод эди тарих тақи хою дол,  
Муддати хижратдин ўтиб моху сол,

—тарзида эмас, балки:

Зод эди тарих дақи айну дол,  
Муддати хижратдин утуб моху сол,—

деб берилган. Шу боисдан асарнинг қириш қисмида келтирилган тарихдан аввалгидан 812 эмас, балки 874 х, ижрий (1469—1470 мелодий) йил келиб чиқади. Олимнинг фикрича, асар муқаддимасида келтирилган Султон Хусайн Бойқаро мадҳи бу тарихнинг тасодифий эмаслигини кўрсатиб туради.

Диккатга молик томони шундаки, бу ҳол достоннинг энг қадимий кўлёзма нусхаларида ҳам учрайди. Китоб муқаддимасида келтирилган тарих Туркиядаги кўлёмлада:

Муддати хижратдин ўтуб, моху сол,  
Зод эди тарих тақи айну дол.

Париж нусхасида:

Зод эди тарих доги айну дол,  
Муддати хижратдин ўтуб моху сол, —

деб ифодаланган. Бу ерда сатрлар ўрни алмашгани ҳисобга олинмаса, деярли ҳар учала нусхада ҳам тарих бир хил берилган. Аммо бу асарнинг ёзилиш тарихи эмас, балки мазкур асар ёзилишига сабаб бўлган воқеа санасидир. Фикримизни ойдинлаштириш учун куйидаги сатрлар келтирамиз:

Балх эрур даҳрда уммул билол, Мазҳари ислому таки адлу дол. Жумла акобирнинг эди манзили, Сокин эрур анда набию вали. Бўлди фалак гардишидин дори зулм, Халки анинг бўлди гирифтори зулм. Зод эди тарих таки айну дол, Муддати хижратдин ўтуб моху сол. Калъайи Балх ўлди чу дарвоза банд, Пояйи зулм ўлди бағоят баланд...

Кўриниб турибдики, гап Балх шаҳри калъаси дарвоза банд этилиши, яъни камал тарихи ҳақида бораётир. Демак, асар ёзилишига 1470 йили Балх да бўлиб ўтган воқеалар туртки берган. Буни асарнинг ёзилиш санаси деб тушунаётган олимларимиз асар муаллифини аниқлашда ҳам янглиш фикр юритмокдалар. Афсуски, юкоридаги сатрларда дostonнинг ёзилиш санаси хусусида кичик бир ишора ҳам йўқ.

Адабиётшунос олима Фозила Сулаймонова ўзининг «Юсуф ва Зулайхо» дostonининг Навоийга нисбат берилган Париж кўлёмаси ҳақида» деб номланган маколasiда бу асарни 1490 йили Дурбек ёзган деб исботламокчи бўлади ва Париж нусхасидан куйидаги Хусайн Бойкаро мадҳини келтиради:

Шохи замон сояи лутфи илох,  
Хомии дин динига пушту панох.  
Тоати эрур бориға фарзу айн,  
Шохи Абдулғозий Султон Хусайн.  
Юсуф эрур Миср ичинда бу дам,  
Сўзида Исо дамидур дам-бадам.  
Даҳрга улдур чу султони аср,  
Мадху саносин дер улус назму наср...  
Бўлсун ўшал давлату умринг фузун,  
Салтанатинг динида бўлсун узун.  
Зотинг эрур чунки улуска панох.  
Ўз панохида сени тутсин илох.

Олиманинг таъкидлашича, Хусайн Бойкаро Хуросон тахтига ўтиргач, Дурбек асарига номаълум шоир мадҳия кўшиб, асарни кўчиртирган. М. Диёрийнинг фикрига караганда, бу бағишлов Алишер Навоий каламига мансуб бўлиб, уни буюк шоиримиз Дурбек асарига кўшиб Султон Хусейн Бойкарога тақдим этганини мантик такозо этар эмиш «Юсуф ва Зулайхо»нинг «Китоб назмининг ибтидоси» бобида асар муаллифи кенг меҳнаткашлар оммасининг огир аҳволини кўриб ачинади, Балх воқеалари тадриждан хабардор эканини маълум қилади:

Калъайи Балх ўлди чу дарвоза банд.  
Пояйи зулм ўлди бағоят баланд.

Айлади каххор чу изхори кахр,  
Бўлди гирифтор халойик башахр.  
Хукм била кирди улус ичкари,  
Хосили умрин кўюбон ташкари.  
Шахр чу дўзах киби зиндон эди,  
Ташкари чун равзайи ризвон эди,

Ташкари эрур бари нозу наим,  
Шахр ичида эрди азоби алим.  
Ташкари эрди бари полизу бог,  
Шахр ичида эрди баса дарду дог.  
Тошта эди сабзаву оби равон,  
Шахр ичида эрди юз оху фигон.  
Тошта эди неъмат ила гашт гох,  
Шахр ичида шарбат эди оби чох.  
Тошта ўшал сухбату гулзор эди,  
Шахр ичида мехнату булжор эди.  
Тошта эди жумлаи айшу тараб,  
Шахр ичида эрди баса сўзу таб.  
Халк бу шахр ичра безиндон эди,  
Мехнат ўтидин бори бирён эди.

Учар эди кўзларидин накши нон,  
Кўз ёши эрди магар оби равон.  
Барчаси мафлуку тиги даст эди,  
Борча узум хасратидин маст эди.  
Борчанинг ул токатидин ток эди,  
Барча уни гуссасидин кок эди.  
Борчанинг ул жони ба бонги суруд.  
Дер эди: «шафтолию себу муруд!»  
Борчаси хасрат била лайлу нахор  
Дер эдилар: «Олию оби анор!»  
Ушбу кабил халк уч ойи тамом,  
Ер эдилар гуссаю гам субху шом.  
Банда алар бирла гирифтор эдим,  
Барчасидин вокифи асрор эдим...

Халкнинг огир ахволидан хабардор бўлган бу шоир ким эди? Балх шахрига ўша йиллари ўзбек тилида ёзадиган кайси шоир борган эди? Тарихий манбаларни кўздан кечирсак, бу саволларга қисман жавоб топилади.

Маълум бўлишича, хазрат Навоий Балх шахри ва унга якин вилоятларга бир неча марта борган. Баъзида давлат топшириклари билан бу шаҳарга келганида анча муддат қолиб кетишга мажбур бўлади. «Мураккайи Алишер Навоий» деб номланган шоир альбомидан ўрин олган Абдурахмон Жомий мактубларининг бир қисми Хиротдан Балхга, Навоий номига йўлланган эди.

Шоирнинг Балх шахрига биринчи сафари 1469—1470 йилларга тўғри келади. Бу ҳақда

Мавлоно Хондамирнинг «Хабиб ус-сияр» асарида муфассал маълумот берилган. Тарихчининг гувоҳлик беришича, Султон Хусайн Бойкаро аввалига Балх хокими Ахмад Мушток билан ярашиш чораларини излаб кўради. Охири илож топа олмагач, кўшин тортиб Балх устига юриш бошлайди. Ахмад Мушток Султон Хусайннинг жуда катта кўшин билан келаётганини эшитиб, Балх шахрининг барча истехкомларини мустахкамлайди. Султон Хусайн кўшинлари Балх шахрини камал қилади. Шахар атрофи амирлар ўртасида таксимланиб, Амир Навоий бошқа амирлар каторида Балхнинг Ширхор дарвозасини аскаргоҳ қилади. Хусайн Бойкаро кўшинлари шахарга сув берадиган хандакларни шох, хашак ва тупрок билан тўлдириб, ўзани бошқа тарафга буриб юбордилар.

Балх камали анча узок чўзилади. Камалда колган шахар ахолисигина эмас, хатто шахар ташқарисидаги Хусайн Бойкаро аскарлари ҳам очликдан кийналишади. Бу ходиса уч-тўрт ой давом этгач, Амир Алишер озик-овкат олиб келиш учун Балх шахридан Хиротга юборилади. Бу ҳақда «Хабиб ус-сияр»да куйидагича маълумот берилади: «Алкисса, Балх шахари ва калъасининг мустахкамлиги, захирасининг мўллиги сабабдан камал муддати уч-тўрт ойга чўзилди, кўпинча эрта тонгдан то шомгача жангу жадал билан машгул бўлиб, «хушёр бўл!» деган наъра Кайвон айвонидан ҳам ўтди... Шу вақтнинг ўзида камал вақтининг чўзилиб кетиши натижасида олий ўрдада кахатчилик бошланди, сипохийларда кимирлашга мажол колмади, юришга имкони бўлмаган кишилар қоча бошладилар, чунончи, зафар нисбатлик узанги мулозаматида икки мингдан ортик одам колмади. Амир Музаффар барлоснинг Амударё бўйидан зафар ворис Кавкабга келганидан кейин «Низомуддин Алишер дорулсалтана Хиротга бориб, Хуросон вилоятидан имкони борича галла тўплаб, Урдуга юборилсин» деган катъий фармойиш берилди. Ул жаноб фармойишга биноан икки-уч минг харвор галла тўплади ва кўчманчи арабларнинг туяларини қира қилиб ортиб Балхга юборди»

Худди шу воқеа Хофиз Нурмухаммаднинг «Тарихи Мазори шариф» асарида сал бошқача шаклда баён этилади. Унда Ахмад Мушток исёни ҳақида бир огиз ҳам гапирилмаса-да, Алишер Навоийнинг Балхга бориш сабаби тубандагича иншо қилинган:

«...Кунларнинг бирида Мирза Бойкаро бу можаро тафсиллини билиб, тезда мактуб орқали дорулсалтана Хиротга маълум қилинишини лозим топди. Султони олийшон бу шарху тафсиллини таҳдик этиш учун Буюк Амир Алишерни Балхга равона қилди. Бу вазифа равшан-назир, яъни Амир Алишер... ҳақиқати холни тўла мушоҳада қилиб, Хиротга мактуб йўллади...»

Юқоридаги маълумотлардан аёнки, Алишер Навоий бу можаро тафсиллини билиш ва аниқлаш мақсадида Балх шахрига жўнатилган. Асар давомида Хусайн Бойкаронинг катта лашкар билан у ерга исённи бостириш учун боргани таъкидланади. Навоийнинг Балх шахрига навбатдаги сафари 1473—1474 йилларга тўғри келади. Бизга маълумки, Абдурахмон Жомий 1472 йилнинг кузида Маккага отланиб, 1474 йилнинг ўрталарида Хиротга қайтиб келган эди. Бундан Балхда хабар топган Мир Алишер устози номига мактуб йўллайди ва жавоб тарикасида рукъа олади. Демакки, бу ёзишма 1474 йил охирида бўлиб ўтган.

Шоирнинг укаси Амир Низомиддин Дарвешали китобдор ва айникса, шахзода Бадиуззамон Мирзо Балх хокими бўлган даврда Навоий бу шахарга тез-тез бориб турган. Бу ҳақда «Равзат ус-сафо», «Хабиб ус-сияр» асарларида маълумотлар мавжуд. «Равзат ус-сафо»да келтирилишича, 1497 йили Хусайн Бойкаро Балх хоқимлигига Бадиуззамонни тайинлаб, Хиротга қайтади, орадан кўп вақт ўтмай, яна Балхга юришга қарор қилади. Аммо Алишер Навоий: «Агар фармони олий берилса, банда Балхга бориб,

мирзо Бадиуззамонга насихат килсам ва уни подшоҳнинг мурувватларига умидвор килиб харна бўлса ҳам, дилозорлик биёбонидан хизматкорлик бурчагига кайтарсам», деб илтимос килди. Бу фикр подшоҳнинг хумоюн миждозига мувофик тушиб, Амир Алишер мақсад тарафига юзланди. Балх яқинига боргач, шахзода одатни тутиб, ул азиз меҳмоннинг шарофатлик қадамини бир бахт деб ҳисоблаб, таъзиму ҳурмат лавозими адоси бобида муболага кўрсатди ва яхши умид билан зиёфат ва меҳмондорчилик маросимини жойига кўйди. Соҳиб тадбир амир Алишер яхши сўзлар билан Бадиуззамон мирзони отасига итоат этишга кўндирди...»

Атто Алишер Навоий Бадиуззамонни энди кўндирган пайтда, унинг саъй-харакати билан сулх тузилишини истамаган Низомулмулк ва яна бошқа кишилар игвосига учган Хусайн Бойкаро Бойкаро кутволи амир Ислоҳ Барлосга «Бадиуззамон мирзо овга, шахар ташқарисига чиқиши билан шахар даврвозалари унинг юзига ёпилсин» мазмунида фармон юборади. Бу фармондан шахзода хабар топгач, Навоийнинг барча уринишлари бекор кетади.

Ҳазратнинг Балхга бориши билан боғлиқ бўлган худди шу ҳолат «Ҳабиб ус-сияр»да ҳам тафсил ёритилган. Унда таъқидланишича, Навоий Султон Хусайнни Бадиуззамон мирзонинг таъзирини бериб кўйиш ва Балхга кўшин тортишдан тўхтатиб қолиб, ота-болани яраштириш мақсади Балхга жўнаб кетади.

Булардан равшан бўладики, Навоий Балхда уч-тўрт ой эмас, балки ундан ҳам ортик муддат қолиб кетади. Шоир, бу сафарлари пайтида кўпинча, ўзаро низоларни бартараф этиш, юртда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, илму маданият, санъат ва адабиёт масалалари ҳамда бу харларда ҳам турли бинолар барпо этиш ишлари билан машғул бўлади.

«Юсуф ва Зулайхо» достонининг муаллифи асар муқаддимасида кўнглида бурундан шун асар яратиш нияти борлигини, ана шу кўп йиллик режасини амалга ошириш, назм силкига кирити учун хийла вақт сарфлаганини маълум қилган эди:

Бор эди кўнгулда бурундан бу азм, Турки тили бирламу қилсам бу назм. Ушбу маҳалда анга боис магар, Бўлди яна бир неча соҳиб наъар. Бандага дедилар аларким бу дам; «Бўлгил ўшул қавлингга собит на дам, Кўйма талаб устида таъбингни сушт, Айла бу азмингни тамоми дуруст. Қиссайи Юсуфни тамою айла назм, Турки тили бирла қилиб азму жазм. Қолгай охир саҳфасида ёдгор

Сендан ўшал қисса ўтуб рўзгор...» Банда ўшал ҳолда қилдим шуруъ, Шукр қилиб, тенгрига айлаб ружуъ. Олдим ўшал лаҳза давоту қалам, Саҳфаи қогоз уза урдум рақам. Давлати тавфиқни истаб мудом, Тангри таолодин ўшал субҳу шом. Ушбу мушавааш кўнгул айёми чанд, Қилди қалам нўғи билан сўзни банд. Эрдуну ҳу хотир ҳу мусаммам бу азм, Айлади бу қиссани дар силқи назм...

Бундай улуг ва олижаноб ният бошқа шоирлар қаторида Алишер Навоийда ҳам бўлганини унинг «Тарихи ҳуқамо ва анбиё» асари мисолида кўриб ўтдик.

«Юсуф ва Зулайхо» достонининг қириш қисмидаги ҳамдунатъ бобларидан сўнг «Султон Хусайн Мирзонинг мадҳи» келади. Бу мадҳ Париж нусхасида ҳам, Туркия нусхасида ҳам, Самарқанддаги қўлёзмада ҳам учрайди. Тадқиқотчилар бағишлов Навоий қаламига мансуб эканини тан оладилар. Улуг шоир бошқа бир муаллифнинг асарига уни қиритиб, Хусайн Бойкарога тақдим этган, деган фикрга эса ишониб қийин. Чунки Навоийдек қалами қудратли шоирнинг бундай ишга қўл уриши гайритабиийдир. Модомики, «Юсуф ва Зулайхо» муқаддимаси Мир Алишер томонидан ёзилган экан, у асарнинг қолган қисмини ҳам давом эттирган бўлиши эҳтимолдан ўзок эмас!

Албатта, «Юсуф ва Зулайхо» достонининг қадимий нусхаларида «Дурбек» номи учрамаганидек, ҳозирча бирор кўлёма нусхада «Навоий» ёки «Фоний» таҳаллусларига ҳам дуч келмадик. Аммо, «Хайрат ул-аброр» достонидаги:

Куллуги хонларга келиб фарзи айн,  
Хонлару шохлар шохи Султон Хусайн...

«Фарход ва Ширин» достонидаги:  
Расул хайлига сархайли сипох ул,  
Алар бори сипох хайл ичра шох ул.  
Салотиннинг ҳам андок сарпарози,  
Эрур гўё азалдин Шохи Гозий...  
Наби шаръига берган эбу зайн ул,  
Салотин сарвари Султон Хусайн ул...

сатрларини «Юсуф ва Зулайхо» достони муқаддимасидаги Султон Хусайн мадҳи билан таққосласак, бу учала асардан келтирилган сатрлар бир шоир каламига мансублиги ойдинлашади.

Алишер Навоий «Тарихи ҳукамо ва анбиё»да Яъқуб ва унинг фарзандлари ҳақида маълумот беради, шунингдек, Юсуф ҳақидаги қиссани насрий йўлда баён этади. Агар бу асардаги насрий сюжет билан мазкур туркий достон воқеаларини бир-бирига қиёсласак, бир қатор умумийлик ва ўхшашлик борлигини сезамиз.

Айрим тилшунос олимларимиз бизгача етиб келган «Юсуф ва Зулайхо» достонининг туркий нусхаси Алишер Навоий асарлари тилига гоят яқинлигини эътироф этадилар. Менингча, тилшунос олимларимиз ўз қузатишларида янглишмаган. Шундай экан, биэ гох Дурбекка, гох Сайфийга, гох Улугбекка, гох Хомидий Балхийга, гох, Ахмадийга нисбат бериб келган бу достонни хазрати Алишер Навоий ёзмаганмикин?.. Ўйлаймизки, бу масалага тадқиқотчилар аниқлик киритишади.

Эргашали ШОДИЕВ, филология фаилари доктори, профессор